

1992 VII-XII

Азизлар, адолатли, меҳр-оқибатли бўлайлик!



ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталиқ газетаси

26

1992
йил
11 йули
(67)



«Иктисадий тақчиллик бухронлари ҳадемай ўтиб кетади,— дейди Фарғона Пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи Замира Тургунова.— Бунинг учун факат фидокорона меҳнат қилишимиз, қийинчиликларни мардонавор енгишга астойдил интилишишимиз зарур».

Дарҳақиқат, Замирахон кунлик иш ҳажмини 150 фоизга бажариб, илғорликни қўлдан бермай келаётir.

Сураткаш: Ш. АЛИМОВ(ЎЗА).

Хабарлар мағзи



● УЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлисиси Туркия Республикаси томонидан ажратилган кредитлардан фойдаланиш, ва хизмат кўрсатиш чоралари тўғрисида ҳамда 1992 йил давлат эътиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш ҳақидаги масалалар мухокама қилинди.

● УЗБЕКИСТОН Республикаси

ликаси ҳукумати билан Тұла вилоятининг маъмурияти ўртасида савдо-иктисадий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди.

● САМАРҚАНДДА янги ўқув йилидан бошлаб 100 нафар ўқувчи таҳсил оладиган турк лицейи очилади.



● РОССИЯ Федерацияси Олий Советининг 1992 йил 3 июлда қабул қиласан қарорига биноан шу йил 1 июлдан эътиборан Россия Президенти ва вице-Прези-

дентининг маоши оширилди. Уларнинг маоши энг кам ойлик миқдоридан [900 сўмдан] 21 ва 19 баравар кўп.

● ҚОЗОҒИСТОН Олий Кенгаши сессияси 1992 йил учун оммавий-ахборот воситалари бюджетига қўшимча 750 миллион сўм ажратди. Бу йил декабрь ойидан эса уларнинг ойлик маоши 100 фоизга ошириладиган бўлди. Яна журналистларга қонунда белгилангандан ташқари ўйжой ҳажмига қўшимча 18 квадрат метр жой ажратилади, шунингдек, яшаб турган уйлари кусусий мулк қилиб берилади.



● ЗАМБИЯЛИК фермер Рэд Скотт мамлакатдан тимсоҳларни ўғринча Испанияга олиб бориб сотаётгандиги учун саккиз йил қамоқ жазосига ҳукм қилинниши мумкин. Шу йил апрель ойининг охирапариди у маҳаллий божхонага пора бериб, 180 та тимсоҳни чет элга чиқариб юборишга муваффақ бўлган. Аммо Испания божхонаси бу «юк»ни қабул қилишдан бош тортиб, уни чегарада қўлга олган.

Раёсат мажлиси қарорига биноан касаба уюшмалари бюджетидан 10 минг сўм ўтказишига Карор қилинди. Шунингдек, район, вилоят ва тармок касаба уюшмалари қўмиталарига, барча касаба уюшмалари аъзоларига Мурожаати мухокама қилинди.

Раёсат мажлиси қарорига биноан касаба уюшмалари бюджетидан 10 минг сўм ўтказишига Карор қилинди. Шунингдек, район, вилоят ва тармок касаба уюшмалари қўмиталарига «Ишонч» газетаси Мурожаатини қўллаб-куватлашва бу борада ёрдам кўрсатиш сўралди.

Бизни маддий жиҳатдан қўллаб-куватлаётган барча ташкилотларга таҳририятимиз жамоаси номидан чукур миннатдорчиллик билдирамиз, «Ишонч»га ёрдам қўлини чўзмокчи бўлганларга хисоб-китоб варакамизни эслатиб ўтамиш:

Тошкент 165, Узбекистон Республика акционерлик-тикорат дехкончилик саюат банкидаги 000 363 601 — хисоб варақаси. Банк коди — 172 682 403 «ИШОНЧ» газетаси.



ЛАУРЕАТЛИК МУБОРАК!

● ҲУРМАТЛИ САМИНЖОН СУЛТОНОВИЧ! Узбекистон Журналистлар уюшмасининг 1992 йилги лауреатлари орасида Сизнинг ҳам муборак номингизни кўриб беҳад қувондик. Чунки мазкур мукофот «Ишонч»нинг Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятлараро мухбиригагина эмас, балки тугилган куниданоқ йиқилганини қўлтиқлаб, қоқилганини суюб, инсон қадр-қимматини ҳар нарсадан баланд қўйган жамоамизга ҳам берилган баҳодир. Буёғига бўш келманг, Сизга соглиқ саломатлик тилаб 110 минглик муштарийлар номидан

«ИШОНЧ» ТАҲРИРИЯТИ.

«ИШОНЧ» ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИГАН БЎЛДИ

Хурматли газетхон!

Мутоала кун танламайди. Лекин Сизнинг тифиз ҳамда азиз вактингизни кўзлаб, газетани шу йил 3 июлдан бошлаб фақат шанба кунлари чиқаришга қарор қилдик. Бу ҳол Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни босмахонасининг иш тартибини маълум даражада қийинластиришига қарамай, концерн маъмурияти таҳририят ва Сиз, азиз газетхонлар илтимосини инобатга олганлиги учун уларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор қиласмиз.

Касаба уюшмаси ҳаёти

ОЧИК эътироф этиш керакки, бу гунги кунда кўп жойларда бўлгани каби районимизда ҳам фукаролар энг мураккаб дамларни бошдан кечирмокдалар. Бозор муносабатига ўтилиши туфайли нарх-навонинг бирваракайтига кескин кўтарилиб кетиши ва бунинг оқибатидаги юзага келган такчиллик кўпчиликни толиктириб кўйди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай пайтда ахоли ижтимоий ҳимояга, мададга мухтоҷ бўлиб колади.

Касаба уюшмаси кўмиталарининг фаолияти азалдан меҳнат аҳлини ижтимоий-иктисодий ҳимоялаш ва оғир дамларда мададкор бўлиш билан белгиланади. Бугунги кунда эса бу маъсъалият хисси янада кучайган. Шу нуктадан назардан келиб чиқиб биз ҳам айни пайтда асосий эътиборни социал масалага қаратганимиз.

Районимиз касаба уюшмаси кўмитаси ўтган йилдаги каби бу йил ҳам аҳолини ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ҳимоялаш, уларнинг маданий-машини шароитларини кўтириш, турмуш тарзларини яхшилаш, ишсизликни камайтириш, табиат муҳофазаси каби соҳалар бўйича маҳаллий ҳоқимиётлар билан ҳамкорликда қенг камровли Битим шартларини тузиб, барча ишларни шу асосда амалга оширмоқда.

Аввало шу нарсани таъкидлайманки, ўтган йили анчагина ҳайрли ва савобли ишларни амалга оширишга муваффақ бўлдик. Жумладан, район худудида истиқомат килувчи ўғиронлар, каровчисиз, ёрдамга мухтоҷлардан 150 киши рўйхатга олинниб, уларга касаба уюшмаси кўмитаси хисобидан бир йўла 30 минг сўм ёрдам пули берилди. Шунингдек, шанбаликдан тушган 65 минг сўм пул ҳам худди шундай тоифадаги кишиларга тарқатилди. Бундан ташқари, 200 нафар ишсиз кишилар иш билан таъминланниб, 530 кишига курорт ва санаторийларда дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтиш учун бепул ўйлланмалар берилди.

Биз факатгина аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласи билан чекланиб колмасдан, бозор муносабати ҳукм сураётган тант вазиятла уларнинг ҳолидан ҳар томонлама огоҳ бўлиб боришга ҳам харакат кильмокдамиз. Бунинг учун район касаба уюшмаси кўмитаси қузурида ва барча ҳўжалик, корхона, йирик идора ва ташкилотлар кошида касаба уюшмаси аъзоларидай иборат маҳсус назорат гурухлари тузганимиз. Улар аҳолига савдо, умумий овқатлашни ва бошқа соҳаларда хизмат кўрсатишнинг ахволини изчил текширишдан ўтказиб боришида. Ўтган йили ана шундай гурух аъзолари томонидан ўтказилган бир катор текширинилар чоғида магазинларда кўплаб ноёб моллар омборларда ва пештахталар

тагида яширилиб келингандиги аникланиб, кўплаб микдордаги ана шундай моллар очик савдога чиқартирилди. Йўл кўйилган камчиликлар ва назоратнинг бўшлиги учун Косон матлубот жамиятияни раиси Исматула Самадов билан Косон шахар савдоси директори Мирза Мамашариновлар огоҳлантирилди.

Энди бу йилги ишлар хусусида тўхталарадиган бўлсак, ҳозирда район касаба уюшмаси кўмитаси хисобида фаолият кўрсатаётган 40 дан ортиқ касаба уюшма кўмиталари ҳам жамоа шартномалари асосида иш олиб бориши мокда. Ҳозиргача район худудида ишкита футбол командаси туздик. Қураш, шахмат-шашка клублари аъзолари вилоят миқёснда фахрларини ўрингларни эгаллаб кельмокдалар.

амалга оширилаётган ибратли тадбирларда касаба уюшмаси кўмитаси хиссаси бор. Ҳозирги кунда мактабларнинг 156 нафар намуналини аълочи ўқувчиларига ҳар ойда касаба уюшмаси кўмитаси хисобидан 3560 сўм стипендия тўланмоқда. Қурилаётган мактаб, клуб, кинотеатр, боғчаясли, тибиёт масканлари, маданий оқартур миассасаларига ҳам касаба уюшмаси кўмитасининг бир қисм маблағлари сарфланмоқда. Район марказий шифохонаси кошида курилган сув билан даволаш пункти, тиш даволаш поликлиникаси олинган замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар, марказий шифохонага олиб бўрилган 60 минг долларни Япония аппарати ҳам район касаба уюшмаси ижтимоий суғурта фондининг иктисад килинган

вилоят дехкончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасини олиб кўрайлил. Бу идоранинг вилоят учун ҳам, район ва шахарлар учун ҳам ҳеч кандай аҳамияти, зарурати бўлмасада, афуски, ҳозиргача фаолият кўрсатиб кельмокда. Биз бош идорамиз — вилоят касаба уюшмаси Кенгашига мурожаат этиш учун ҳеч кандай аҳамияти бўлмасада энг аввало вилоят дехкончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси чиғириғидан бир карра ўтишимиз шарғи. Бу идора бекордан-бекорга бизнинг тийинлаб йикқан аъзолик бадалларимизнинг катта қисмини ўмарид оларди ва шу хисобдан қанчалаб бекорчи ходимларни маош билан таъминларди. Ўтган йили биргина бизнинг хисобимиздан иккя ярим миллион сўм пул ана шу идора хисобига ўтказилди. Агар шу маблағ ўз хисобимизда колганида эди, аҳолининг қанчалаб зарур эҳтиёжлари кондирилган бўларди.

Биз узок мулоҳаза, фикрлашувлардан сўнг ортиқча буйруқбозликлардан, даҳмазалардан кутилиш, тийинлаб йиғилган маблағларни ҳавога суворгандек йўқотмасдан, ҳалқ манфаати, аҳоли эҳтиёжларига сарфлаш максадида касаба уюшмалари Устави ва конуни талаблари асосида вилоят тармок касаба уюшмаси кўмитасига бўйсунмасдан, тўғридан-тўғри вилоят касаба уюшмаси Кенгаши бошқарувига ўтишига аҳд килдик. Бунинг учун райондаги касаба уюшмаси қўйи ташкилотларини талаб ва таклифларини инобатга олиб, якинда қабул тилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги конун, Ўзбекистон республикаси дехкончилик саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Уставига биноан район касаба уюшмаси қўмитасининг навбатдан ташқари пленумини ўтказиб, дехкончилик саноати мажмуи ходимлари вилоят касаба уюшмаси кўмитаси ихтиёридан чиқиб, вилоят касаба уюшмаси Кенгаши бошқарувига ўтиш ҳакида карор килдик. Биз янгича тартибда ишлар эканмиз, Устав талабларига мувофиқ ийл давомида иктисад килинган ижтимоий суғурта маблағларимизнинг 75 фойзини ўзимизда сақлаб колиб, ўз эҳтиёжларимизга ишлатиш имконига ўтказиб. Бу маблағнинг ҳаммаси бу йил аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, аҳолига ёрдам уюштириш, янги куришлар, ўқувчиларини ёзги таътилида лагер харажатларига сарфланади. Ҳамма харакатларимиз ҳалқ манфаатлари учун бўляяти.

Халил Қўзибоев,
Кашқадарё вилояти, Косон райони
дехкончилик саноати мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
қўмитасининг раиси.

ОРТИҚЧА БЎҒИНДАН КУТИЛДИК

жойлардаги касаба уюшмаси кўмиталаридан учтаси ҳузурида ўсмирлар клуби ишлаб турибди. Буларда ёштарга фақатгина касаба сирлари ўргатилиб қолинмасдан, клуб аъзолари томонидан тайёрланган нарсаларни савдога чиқаришни ҳам ташкил этмоқдалар.

Райондаги ҳўжаликлар, корхоналар ва ташкилотларнинг касаба уюшмаси кўмиталари раислари ўз маблағлари, ўз кучлари хисобидан фермер ҳўжаликларни очиш ташаббуслари билан чиқишилари айни мудда бўлди. Ҳозирги кунда «Ленинград» давлат ҳўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси раиси Бобомурод Дўстмуродов ҳўжаликдаги ташландик иссиқхонани ўз тасаруғифа олиб, таъмирламоқда. Бунингустига, Бобомурод Дўстмуродов ҳўжаликда 50 киши меҳнат киладиган гилчимлиларни цехини ҳам ишга тушириди. Шунингдек, касаба уюшмаси кўмиталари раислари томонидан «Гулбог» давлат ҳўжалигига 30 бош корамол, 53 ва 54-давлат ҳўжаликлирида 100 тадан кўй олиниб парваришиланаётган бўлса, Ленин номли давлат ҳўжалигига 50 гектар майдонга галла экилиб, дехкончилик қилинмоқда. Бу соҳаларга ишловчилар касаба уюшмаси кўмитаси маблағи хисобидан маош билан таъминланмоқдалар.

Район худудидаги барча соҳаларда

маблағи хисобидандир. Шу билан бирга, район касаба уюшмаси кўмитаси Тошкентдаги бир қатор республика миқёсидаги марказий шифохоналар билан шартномалар тузганки, шифога мухтоҷ бўлганлар имтиёзли даволаниш ҳуқуқига эгадирлаб. Биз эндиликда барча курорт ва санаторийларнинг ҳам тўғридан-тўғри ўзлари билан шартномалар тузиб, йўлланмалар олиш имконига ўтказиб. Бу хол фукароларнинг истаган курорт ва санаторийларда истаган вактларида дам олишларига катта имкон яратди. Шунинг учун ҳам ўтган йили район аҳолисидан 530 киши турли курорт ва санаторийларда дам олишган бўлса, бу йил ҳозиргача 350 дан ортиқ киши дам олиб, ҳордик чиқаришга ёки соғилкларини тикташга муваффақ бўлишиди.

Бир сўз билан айтганда, бозор муносабати даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш хиссаси кўпроқ касаба уюшмаси кўмиталари зинмасига тушар экан, улар ҳам ҳар бир тийинни ўз ўрнида ишлата билишни, бекорга истроф килмасликни билмоклари лозим. Мен иш фаолиятим давомида мулоҳаза килиб кўриб, бир нарсага амин бўлдимки, касаба уюшмаси тизимимизда ҳам ортиқча даҳмаза бўлиб, сарф-харажатни ошириб келаётган бўғинлар йўқ эмас экан. Масалан.

ДАРОМАДГА ҚАРАБ...

ТОШКЕНТ «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йили уч 200 000 минг сўмдан зиёд соф фойда олган эди. Бу йил бу кўрсаткич бир неча марта ошиши кўзда тутилмоқда. Корхонада ишлаб чиқариш режаси ойма-ой ошириб ади этилаяти. Ҳар ойда беш минлиён сўмлик махсулот тайёрланмоқда. Ихчам, бежирим ва енгил пластмасса буюмларига талаб тобора ортиб бораётганлигини хисобга олаётган «полимер»чилар махсулотнинг янгидан-янги турларини яратишга киришмоқдалар.

Бирлашмада олинаётган даромаднинг асосий қисми ишчи-хизматчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга сарфланаянти. Шу боис ишчиларга қўшимча мукофот пули бериш, тушкин овқат пулини ошириш, ишчиларнинг ўй-жой билан таъминлашни яхшилашнинг яна бошча чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиқаяпмиз. Бу касаба уюшмаси кўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасининг изчил бажарилётгани самарасидир.

Ҳозирда бирлашма ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 1500 сўми ташкил этияпти, дейди корхона касаба уюшмаси

кўмитаси раиси Тамара Насридинова билан сувхатда, — бундан ташқари ҳар бир ишловчига ойига 350 сўмдан овқат пули берилаяпти. Махсус иш кийими билан таъминланмоқда. Санитария маший хизматлар талабга жавоб берадиган даражада ташкил этилган. Шаҳар дехкончилик саноати ишлаб чиқариш фирмаси билан тузган ўзаро битимимизга биноан ишчиларимизни арзон нарҳадаги кишлоқ ҳўжалик махсулотлари билан таъминлаш намуналий йўлга кўйилган.

Яқинда корхонага қарашли бешта кўпхонали квартиralар ишчиларга эски нархларда сотилди. «Полимер»чиларни ўй-жой билан таъминлашни яхшилашнинг яна бошча чора-тадбирларини ҳам ишлаб чиқаяпмиз. Бу касаба уюшмаси кўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасининг изчил бажарилётгани самарасидир.

Т. АЛИМОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.



СИРДАРЁ вилояти Сайхунобод районидаги «Социализм» давлат ҳўжалигига беда ўрими авж паллага кирди. Ҳўжаликнинг ўрим-йигим гурухи ишчилари ҳар куни фермага 40—55 тоинадан кўк масса жўнатишга эришмоқдалар. Суратда: беда ўрими илгорлари Одилjon Камолов ва Ботир Бозоровларни кўриб турибиз.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Нишбиялармоналик

ДАДАСИ раҳматли унинг тушиға кўп киради. Негадир ҳар гал тушларининг бир учи дадасидан мерос қолган дўконга, боловдан чикиб босқон кутган темирларга бориб тақалади. Дадаси ўзи суйиб ўтган хунар ҳакида нимадир дейди. Унга ҷўғланган пичоқ тутади...

Абдуғаффор чўчиб уйғонади-ю, ба-рибир хаёлини анча вактгача дадасидан — машҳур пичоқчи уста Комилжон акадан узуб ололмайди:

...Ўшандаги 1968 йил эди. Ўн ёшли Абдуғаффор илк марта чўғланган пўлатга босқон уриб пичоқ ясади. Беш ўғлидан ҳеч бўлмас бири ўз хунарини эгаллашини орзулаб юрган Комилжон пичоқчи учини ўғли Абдуғаффорни роса аллади:

— Пичоқни «совук курол» деб бир ёқлама ўйлаганларга аҳамият берма, ўғлим,— деди унинг бошини силаб.— Буям асли санъатдек гап. Мен мана шу нозик хунарга бутун умримни атадим. Хамиша яхши ният билан қилдим бу хунарни. Ўзинг кўрдинг, битта пичоқ ясалгунча 41 марта киради бу темир. Сен мана бу майда нақшларга эътибор бериб ишла. Шундай ишлаки, бу нақшинкор, гўзлал сопли пичоқни ушлаган одам уни ёмон ишларга ишлатишдан кайтгудай бўлсин. Билиб қўй, гўзлаллик ҳамиша яхшилик тарафдори бўлади.

га олган. Республика изинг сайёх-суръя шахарлари — Самарқандда, Буҳорода, Хивада ҳам ўз доимий мижозларимиз бор. Уларнинг айтишича хорижлик сайёҳларга корхонамизнинг атласлари ҳам, пойабзаллари ҳам, тикилган кийим-кечаклари ҳам, пичоқларимиз ҳам жуда маъқул бўляпти экан. Биз топаётган даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Мана шу мўъжаз дўконда укам иккаламиз ишлайпмиз. Маошимиз ҳам ёмон эмас.

— Бир ойда тўрт юзга ажойиб пичоқлар, минг метр юкори навли хонатлас, минг жуфт бежирим пойафзал ишлаб чиқараяпмиз,— гапни давом эттиради Абдуғаффор Имомов.

— Хунармандларимиз қиркта холос, дедингиз-ку?

— Тўғри, ишимизнинг унумли бўлаётганига сабаб шуки, ҳамма турдаги дастгоҳларимиз ҳам хунармандларнинг ўз уларига ўрнатилган. Иш соатларимиз маълум бир рамкада эмас. Бундан ташқари, хунармандларнинг болалари ҳам бўш пайтларида шогирд сифатида ота-онасига ёрдам беради. Яна бир яхши тарафи шундаки, тўкувчи аёлларимиз ҳам уй бекалигини, ҳам оналиги, ҳам хунармандларини бирдек олиб боришиади. Лекин тадбиркорлар касаба уюшмаси аъзоси сифатида жамики имтиёз-



Марғилон «Атлас» бирлашмаси ишчиси Фотима Хакимовани корхона ишчилари ғоятда хурмат қилишади. Фотимахон бу корхонада салкам 20 йилдан бўён фидокорона меҳнат қиласи. У ўзига топширилган дастгоҳларни бир маромда ишлатиб, юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

Сураткаш: И. КОЗИН.

УСТА КОМИЛНИНГ ЎГЛИ

лардан фойдаланишади.

— Боя ҳом ашё ҳакида гапирди ИброХимжон. Бемалолм?

— Дардимизни сўрадингиз-а... Асосий муаммолар шу-ку. Тараккиётга ишбильармонлар, тадбиркорлар йўл очади дейишипти. Бунга раҳмат. Бизнинг эмин-эркин ишлашимиз, маҳсулотимизни сотишмиз учун кенг йўл очилиб қолди. Лекин кичик корхоналарнинг ҳом ашё фонди ҳакида хозирча ҳеч гап йўқ. Мисол учун айтсан, бизнинг пичоқларимиз чиқинди металлардан, бракка чиккан подшиппниклардан ясалади. Косибларимиз ҳам турфа хил чиқинди матолардан бежирим уй шиппаклари тикишади. Демак катта маблағ кетмайди. Лекин барибир ана ўша чиқиндиларни олишимизга маҳсус рухсатнома, расмий қоғозларимиз йўқ. Чиқинди базаларидан кимни ака, кимни ука деб эланаб топиб келамиш. Шу ҳакда юкоридагилар бир ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Биз ҳам уларнинг ишончини оқламай ќўймаймиз. Кўриб турбисиз, Шахриҳон пичоқлари бугун бемалол жаҳон бозорига чиқа олади. Буни Самарқанд ва Буҳорадаги дўконларимизда бўлаётган савдо айтиб турди. Яна бир орзум...

— Айтаверинг.

— Турли бадиий кўргазмаларда иштирок этгим келади. Лекин бунинг учун кимга учраш, нима килиш кераклигини билмайман. Қозогистоннинг Жезказғонидаги бўқиладиган сайдоқларнинг шоҳларидан личноқ соп килиб бутун дунёни лол колдириш мумкин, ахир. Яқинда Самарқандда бўлиб ўтган тадбиркорлар касаба уюшмалари Республика қурултойида иштирок этдим. Дўстлар ортиридим. Янги ҳаридорлар топдим. Мен кўрсашиб учун олиб борган ёрмадастали пичоқлар, ҳайратгир симли атласларга талабгор кўп экан билсан.

Абдуғаффор Имомов билан анча сухбатлашдик. У ҳакиқатан ҳам Комилжон уста орзулагандек ўз хунарини ардоклайдиган, хунари ҳакида ҳаяжон билан сўзлайдиган, ўз ишининг элга манзур бўлаётганидан ошкор қувонадиган йигит экан. У ҳатто қачондир Ҳиндистонга сафар килишини ва ўқдан каркидан шоҳларини топиб келиб, каркисопли пичоқлар яшаш нияти борлигини ҳам айтди. Орзуга айб йўқ. Колаверса, яхши ният ёрти мол дейдилар.

Замира РЎЗИЕВА

— «Иzzat»га бирлашиб ишларимиз юришиб кетди,— деди уста ИброХим Мелибоев. — Аввал ҳаммамиз ўзимиз учун ҳом ашё қидириб, ишлаб чиқарган маҳсулотимизни сотиш билан шугуланиб, вактдан ютқазиб қўйдик. Ҳозир Абдуғаффор корхонамиз раҳбари сифатида бу ишларни ўз зинмаси-

ТОМОРҚА—ДАРОМАД МАНБАИ

АҲОЛИНИ озиқ-овқат маҳсулотлар билан таъминлаш, эл дастурхонига кўплаб қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бериш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб турди. Бу муаммоларни ҳал әтиш борасида Республика Президентининг бир қанча фармонлари эълон қилинди. Аҳолини қўшимча томорқа ери билан таъминлаш борасидаги Фармон ҳам ана шундай муҳим ҳўжатлардан бири бўлди.

Ҳозирги пайтда Ромитан районида жами экин экиладиган майдон 24 минг 230 гектарни ташкил этади. Шунинг 2900 гектари аҳолига томорқа ери сифатида бўлиб берилган. Кўпгина ҳўжаликларда ҳар бир оила учун ажратилган томорқа майдони 20—25 сотихни ташкил этади. Шахсий томорқа эгалари ўзларига ажратилган майдонлардан мўмайгина даромад олмоқдалар. Ленин номли жамоа ҳўжалигига истиқомат қилувчи томорқачи Файзулла Ёдгоров ўз участкасида помидор, бодринг ва картошка етишириб йилига 25—30 минг сўм даромад қилаётir.

К. Маркс номли колхоз томорқачиси Раҳмат Ҳусенов эса участкада сабзи ва пиёз етишириш бўйича каттагина тажриба тўплаган. Шунинг эвазига у йилига 15—17 минг сўм атрофида даромад олишига эришаётir. Томорқачи Шариф Кутлиевнинг кўп йиллик меҳнати эвазига каттагина шафтолизор бунёд этилди. Бу мевазор оиласи 10—15 минг сўм атрофида бераётir.

Энгельс номли жамоа ҳўжалигига дехончилик борасида Аҳмад Ҳожиевнинг олдига тушадиганий. У сабзавот ва полиз маҳсулотлари етишириб, бозор-ӯчар орқасидан оила бюджетига 12—15 минг сўм атрофида маблағ кирилмоқда.

Юқоридаги мисоллардан кўри-


ниб турибдик, томорқадан ишбильармонлик билан фойдаланиш оила фаровонлигини оширади, меҳнаткашлар дастурхонини нознеъматлар билан сероб қилишга баҳоликудрат ҳисса бўлади. Буни район ҳўжаликларидағи аҳоли томорқасидан эл дастурхонига етказиб бериладиган маҳсулотлардан ҳам билсак бўлади. Бултур меҳнаткашлар дастурхонига аҳоли томорқасидан 2700 тонна помидор, 1490 тонна бодринг, 2869 тонна сабзи, 1481 тонна карам ва 400 тонна саримсоқ ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

Шунга қарамай райондаги кўпгина ҳўжаликларнинг раҳбарлари аҳолининг шахсий томорқасини ривожлантиришга, уларга өтарлича ер ажратиб беришга ҳамма вакт ҳам өтарлича эътибор бермэгирлар.

«Ромитан» ва Иби Сино номли давлат ҳўжаликларида кўпгина оиласи ҳанузгача томорқа ери билан таъминланмаган. Ваҳоланки, қишлоқда яшовчи ҳар бир оиласи ер билан таъминлаш бозор иқтисади шароитида кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Районда томорқа ҳўжаликларида етиширилган маҳсулотлар билан савдо қилувчи сабзавот ва полиз маҳсулотлари дўконлари очишига ҳам эътиборсизлик қилинадиган.

Шахсий ёрдамчи ҳўжалик эгалари уюшмаси ташаббуси билан Буҳорадек катта шаҳарда сабзавот маҳсулотлари билан савдо қилувчи иккита дўкон очишига мувваффақ бўлинган холос. Уларни кўпайтириш керак. Томорқачилар етиширигандаги маҳсулотларини шундай дўконлар орқали ҳаридорларга кийналмай етказиб беришлари мумкин.

Суннат БЕШИМОВ,
Буҳоро вилояти.



ДАВО ИСТАБ...

САМАРҚАНД — Булунгур автобусида кетаётганимда бенхтиёр иккى дардош аёлнинг сухбати эътиборимни ўзига тортди.

— Э нимасини айтасиз, Гулнораҳон, бу дардни душманимга хам раво кўрмайман. Ҳалиям шу қўлинг дард кўрмагур шифокорларимиз бор. Қаранг, операциядан сўнг худди аввалгидек, дарчекмагандекман.

— Ха, мен хам сиз айтётган касалхонада даволаниб чикканман. Умрингдан бара-ка-топкур Шукрулло дўхтирини ҳали-ҳали алқаб юраман.

Мен аёллардан беморлар тилига тушган бу шифохона-нинг манзилини суриштирдим. Иккى аёл хам ўз дардларига Самарқанд вилояти ўпка хасталиклари касалхона-сипанинг жарроҳлик бўлимидаги оқ кўнгил шифокорлардан даъво топишган экан.

Ушбу сухбат сабаб бугунги меҳру муруват тақчили шароитда, эл меҳрини қозо-наётган шифокорларнинг хайрли ишлари, орзу-умидлари, муаммолари билан танишиш макъадида улар хузурига ташриф буюрдим.

Ўпка хасталикларини, социал касаллик деб хам бекорга айтишмайди,— дея сўз бошлади касалхона бош шифокорининг ўринбосари табобат фанлари номзоди Юсуф Машарипов.— Чунки, эл улус канчалар тўқ-фаровон яшаса, шунчалар бу хасталикка чалиниш камаяди. Инсон аъзолари, айниқса ўпка фаолияти кучли, ҳар хил дармондориларга бой таомларни талаб қиласди. Бунинг устига ҳар қандай шароитда хам асабларни саклай ола билиш керак бўлади. Кейинги пайтларда бундай беморлар кўпайиб кетаётгани сир эмас. Шунинг учун хозир бу бўлимизнинг қиласидаги юмушлари кундан-кунга ортиб бораёт. Бўлимда тажрибали, ўз касбининг фидойилари бўлган шифокорлар хизмат килишиади. Яхшиси сиз, беморлар билан сухбатлашинг, шифокорларимизга баҳони уларнинг ўзларидан эшигинг.

Бош шифокор ўринбосари мени жарроҳлик бўлми хоналарига бошлади. Бўлми асосан жарроҳлик ишларига мослаштирилган бўлсада, ўп-

канинг бошқа хил хасталиклиари бўйича давога мухтоҷ касаллар хам даволанаркан. Мана, Оқдарёлик бемор Ҳамидахон, унинг ўпкасига сув тўплланган экан.

— Мен терапия (даволаш) бўлимидагилардан ўтишиб сўрадим, бу бўлимга ўтказицларини. Чунки, бўлминнинг таърифини кўп эшигланман. Ҳозир ахволим анча яхши,— деди у.

— Бизга бошқа бўлимлардангина эмас, балки, қўшни вилоятлардан хам беморлар ёрдам сўраб келадилар. Биз учун ҳамма бемор бирдай азиз. Лекин уларни қабул килишга бизда на имкон бор, на шароит,— дейди бўлим мудири Шухрат Бозоров.— Мана шу ҳолат ва эҳтиёжларни эътиборга олиб, бўлмини кенгайтириш, унинг моддий жихатларини хам бугунги кунга мослаб ўзгаришиш вакти келди. Бизда доимий ишлайдиган ҳамширлар деярли йўқ. Шу соҳада ишловчилар учун қўшимча имтиёзлар берилishi керак. Биз имтиёзлардан маҳруммиз.

Жарроҳлик бўлими хоналарини айланиб, даволанувчиларинг ахволи, уларнинг ўз маддкорлари билан илик муносабатлари кишини кунтиурсала, ўзига яраша муаммою, камчиликлари кўнгилни ғаш қиласди. Ҳоналар, йўлаклар, синик деразали ромлар, аллақачонлар таъмир талаб бўлиб қолган. Кўп жойларда бўлгани каби бу ерда хам дори-дармонлар тақчилиги сезилияпти. Тез ёрдам берувчи, юракни тинчлантирувчи дори-дармонлар, дармондорилар, жарроҳлик ишларida кўлланиладиган материаллар етишмайди.

Ишқилиб дармон дарисн тутгаса, дармон сўзи билан беморлар умрени узайтираётган Шукрулло Бердёров, Мирзомурод Бобомуродов, Абдуворис Немматов, Бахтиёр Бобомуродов, Гулсума Давлатова; Светлана Птешникова каби қалби дарё шифокорлар омон бўлишин. Самарқандда бундай яхши мутахассислар, ўз касбининг фидойилари кўп. Факат уларга эътибор, ёрдам керак.

Зебо АХРОРОВА.

ОРАМИЗДА эртадан янги-ча ҳаёт бошлайман — эртадаб албатта бадан-тарбия билан шуғулланаман, деб аҳд килган одамлар жуда кўп. Аммо эртасига югуришини стадионда бошламай, кунни уйдан ишга, ишдан уйга, магазин-магазин, болалар боғчасига югуриш билан ўтказиб юборамиз. Жисмоний машгулотларга эса вакт қолмайди. Яна эртадан бошлайман, деб аҳд килиб кўямиз.

Маслаҳатимиз — бу ишни аҳд килган пайтингиздан бошлант. Куннинг хоҳлаге пайтида бир неча дақик мушк килишининг ўзи хам қайфиятингизга ва соғлигингизга ижобий таъсир кўрсатади.

Айтайлик, уйғонганингиздан кейин ўринингиздан тургии из келмай ётаверасиз. Шундай ҳолатда ҳам мушк килиш мумкин. Башигинизни 5-6 марта ўнгта ва чағга

буринг (бу машк бўйин мушакларини мустаҳкамлайди) Кейин қўлингизни кўтариш: аввал навбат билан, сўнг баравар кўтариш. Оёқни хам шундай тартибда кўтариб түширгинг. Яхшиси, аввал бир неча бор букиб, тўғирланг. Охирида бир неча бор кравотда ўтириб яна ётинг, ўтирган

хам бўлади.

Ишга кетаётганингизда транспортда кай ҳолатда турганингизга ахамият бериб боринг.

Мехнат турига қараб иш куни бошланишидан аввал ёки танаффус пайтида бир неча машқни бажариш мумкин.

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

пайтингизда қўлингизни ёки панжаларига текказишга харакат килин. Бунда вўр берманг, акс ҳолда қадингизни ростломай қолишингиз мумкин.

Ошхонага кетаётганингизда музлатгични очиб, унинг музхонасидан бир парча муз олиб, юзингизга суринг. Бўиши ювиришдан аввал килган маъкул, муз суртигандан юзингизни ювмасангиз

тиқка туриб ишлайдиганлар ёки кўп юрадиганлар учун. Товонингиз ясеи бўниб қоммасин десангиз, машқларга алоҳида эътибор беринг. Чўккалаб ўтириб, баданингизни бўш тутинг, ёғингизни ердан узинг. Товонингизни бамиёли айлантиргандек харакат килинг. Оёқ панжаларини букиб тўғирланг (яхшиси пойабзалингиз ёки очиб бажаринг). Оёқла-

рингизни тусиринг. Тово-нингизни ердан узмасдан ўёқ-бу ёкка бурилинг. Танангиз мушакларини бўшашибириб, яна таранг қилинг.


Ўтириб ишлайдиганлар учун. Елкани тўғрилашига ва кўкрак қафасини кенгайтиришга қаратилган машқларни тавсия киласман. Ўриннинг

суюнчиғига ташланинг, кўларингизни осилтириб бўш тутинг, кўзингизни юминг. Ҳолатингизни кузатиб туринг, ухлаб колишингиз мумкин.

Кўп ёздиғанлар юқорида-гилардан ташқари куйидаги машқларни бажаришлари керак: бармоқларнинг бўғинларини силаб, панжаларини муштлаб очинг. Ҳар бир бармоғингизни ўзагидан учига қараб уқаланг (бу машқ конюришини яхшилайди).

Умуман, меҳнат турини ўтаририб турғиш — энг яхши хордик ва гимнастиканинг ўнг яхши туридир. Зинаюга бир неча бор югуриб чиқинг, лоакал югуриб тушинг. Энг мухими атрофдагилардан ийманнанг, уларга ўзингиздан намуна олишни маслаҳат беринг.

Илҳом ФОЗИЛОВ
таржимаси.



Суратда: Иммунология илмгоҳининг илмий ходими Олег Геннадьевич Ка-ратигин жадал терапия палатасида томирдаги қонни лазер билан нурлантириш ҳамда гемосорбциялаш билан шуғулланяпти.

МУОЛИЖАНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

ДАВОЛАШНИНГ янги усул ва воситаларидан фойдаланиш ўзбекистон Республикаси соғликини саклаш ва зирлигига қарашли иммунология илмгоҳининг сурункали патологик жараёнлар клиник бўлими ходимларига тизимили қизил тери сили, склеродермия, дерматомиазит, түргунли периarterит каби қийин даволанадиган касалликларга карши самарали курашиши имконини берди. Урта Осиёда кўп учрайтидан бу касалликлар касалликларга карши самарали курашиши имконини берди. Урта Осиёда кўп учрайтидан бу касалликлар касалликларга каршилик кўрсатиш тизимили заифлашганилиги сабаб бўлади. Унинг заифлашиши эса, одатда, кишлоқ хўжалигида пестицидлар кенг кўлланниши натижасида нобоп экология вазият вужудга келиши сабабидир.

Иммунодефицит юзага келганда организмнинг касалликларга каршилик кўрсатиш тизимили заифлашганилиги сабаб бўлади. Унинг заифлашиши эса, одатда, кишлоқ хўжалигида жуда яхши самара беради. Бу янги усулдан бронхиал астма, турли аллергик касалликларни даволашда фойдаланилганида натижага кутилганидан аъло бўлди.

— Бизнинг клиник бўлмимизда беш мингдан зиёд бемор ҳар тарафлама даволанади,— дейди бўлим мудири, доцент Мухаррам Юсу- повна Сайдова.— Беморлар тузалиб чиққанидан кейин боз уларнинг ҳар бирини маҳсус рўйхатга киритамиз, ҳар учда бир марта саломатликларни текшириб турмиз. Зарурат туғилса, уларни иммуномодуляторлар ёрдамида яна даволаймиз. Бизнинг максадимиз — инсоннинг касалликларга каршилик кўрсатиш кобилиятини тиклаш ва кучайтириш.

Иммунологик мониторингиннинг келажаги порлок. Лекин хозирча, бир қанча сабабларга кўра ундан кенг фойдаланишингизни имкони йўқ. Шуларнинг асосийси иммунология илмгоҳининг ўз даво маскани йўқлигидир. Тошкент шаҳар курилиш бош бошқармасига карашли тибиёт-санитария кисмидаги 15 беморга мўлжалланган муваккат жойимиз республикамиз кишиларни соғломлаштириш муаммоларини ҳал эта олмаслиги турган гап.



Онахоним табиат

КЕЧИР БИЗНИ. ХОНБАЛИК!

ИССИҚҰЛНИҢ қырғыда турардик. Құл устида түпланеттің пәннән қол-қораларни томоша қилағыз. Қырғы тоннанға соуыққына шабада эсіб турибди. Булуттар орасидан ботаёттің күштің гоҳ күринади, гоҳ күринмайды.

— Хонбалик! Хонбалик! — қичқириб юборди кимдир. Дам олувчилар күлгө түшиб чиқадын ёғоч пиллапояннан шундоққына ёнида сұнда қаноттарини кенг ёйіб, узұнлиғи бир метрда келадиган Хонбалик турарди. У худди жонсиздек, фақаттана түлкін келган пайтда мувозанаттың сақлаш учун бақувват думини бир иккі қимирлатиб күярди.

Мен Севан күлидан олиб келиниб, бу ерда жуда каталашиб кеттің балиқнинг устидағы холларига синчиклаб назар ташлар эканман, бирдания унинг бошидагы оқ холига күзим түшди. Кейинроқ бу хол эмаслиғи, балки нағызанның ўрны эканлығын сездім. Хонбалик ҳаво соуық пайтида жеч ким сувга тушмаёттілігі учун қырғыққа яқынлашиб дилидаги андухини инсонға айтмоқчи бўлибди чамаси. Қулоғимга унинг мунгли овози эшилтілгандай бўлди:

— Эй, доно инсон, сен бизни яйраб-яшнаб ўссин, деб Севан күлидан олиб келган эдингук! Севанда бўйи бир қаричдан ошмаган авлодимиз бу ерда бир метрга ети. Бунинг учун миннатдормиз! Яна иккі-уч ойдан кейин мен она бўламан, яна кўпайишамиз. Аммо кечаси қайиқда чироқ ёқиб келган кимса мени шу кўйга солди. Мен унга ишониб, шундай чироққа чиқиб берибман. Энди она бўлиш ҳақида эмас, омон қолиш ҳақида ўйламоқдаман. Менга ёрдам бер!

Тўлқин Хонбаликни суріб юборди, у қаноттарини қимирлатиб, ўзини ўнглаб олдида, оҳиста кўлнинг ўртасига томон сузиб кетди. Ишқилиб ўлмасинда, деб қолдим мен.

ТОҒ ТАКАСИ

САЙЕХЛАР гурӯҳи Нальчикдан чиқиб, Дихсударёси ёқалаб, тоғ қияликларидан юриб бора. Иккі кун ўйл юриб, Кавказ тоғ тизмасыннан Гезе веек (Гезе ўғри) довони этагида, ундан ўтиш учун ҳал құлувын ҳужумга тайёр гарлик күриладиган қароргоҳа етиб келдик. Ҳамма чарчаган бўлса ҳам шаҳрихонлик Фуломжон ака турмуш ўртоғи Дилоромхон опа билан дарров кострюлкада палов қилиши...

Күёш биз ётган дарага жуда эрта нур сочаркан, үйғониб кетдим. Айланиб юриб, қияликда қўй боқаёттің подачини учратиб қолдим. Болкорча ўзбекчага яқин бўлгани учун уни сухбатга тордим.

— Сен тоғ такасини кўрганмисан? — сўраб қолди чўпон.

— Кўрмаганман, — тан олдим мен.

— Ҳозир, мен бир қарайчи, келдимикан, — у ёнига осиб олган халтадан дурбинини олди.

— Келибди, келибди, — севиниб кетди у, кейин дурбинни менга узатди. — Қара, ҳув ана қоянинг энг чўққисида турибди.

Тоғ такасининг шоҳлари буралиб, кетган, соколи ҳам бор эди. Олдинги оёғини гоҳ-гоҳ кўтариб, тошга уриб кўярди.

— Илгарилари, мен кичик пайтимда мана шу биз турган жойларда ҳам тоғ такалари подапода бўлиб юарди. Тоғликлар ўзларида етарли чорва ҳайвонлари бўлгани учун уларга тегишимас, фақат касал бўлиб юролмай қолгандаринигина сўйиб юборишаради.

Үрмона га шаҳардан ёш қоровул келибди-ю, дарада тинчлик бузилиб, ўқ овоздарни янграй бошлабди. Дам олиш кунлари ўнлаб шаҳарликлар овга келишиб, бутун ўрмона ларзага солишаркан. Яхшиямки бир бўри ўрмона қоровулининг қўлини ғажиб қўйибди, шундан кейингина у шаҳарга қайтишга мажбур бўлибди. Омон қолган тоғ такалари дарани ташлаб, ғоққа чиқиб кетишибди.

Шундан бери йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Энди бу жойлар қўриқхона деб эълон қилинди. Булбул сайрайдиган бўлиб қолди, бошқа ҳайвонлар ҳам кўпайиб бормоқда. Шунда ҳам тоғ такаси дарага тушмаяти. Инсонга ишонмаяти.

ШАПАЛОҚДЕК ЭДИ

БОЛАЛИКДАГИ сўнмас хотиралар ҳар гал ёдингга тушса, ҳаяжонланасан, беихтиёр ўша кунларга қайтгандек бўласан. Эсимда, тарғил сиғиришимиз бўларди. Уни етаклаб, болалар билан Сирдарёнинг ирмоқларидан бўлган Корагуон бўйига бора. Сиғириларимиз гуркираб ўсиб ётган ўтлар ўзини урар, биз эса футбол ёки даста ўйинига түшиб кетардик. Қорин очиб қолганда, ҳамма ўзи билан олиб келган нарсаларни ўтага кўярди. Бу камтарин дастурхонда нон, сузма, турли мевалар, помидор бўларди.

Ийлар ўтиши билан дарё бўйидаги ўша шапалоқдек ер болалигимизда жуда катта аҳамиятга эга бўлганлигини ўлаб қоламан. Дарё бўйидаги бу ўтлоқ қишлоқ болалари учун ўзига хос «табиат мактаби» бўлиб, бу ерга янги келгандар унинг «илми»ни катталардан ўрганиб кетаверардилар. Ўша ўтлоқ мутахассислар тили билан айтганда «емирилишга қарши минтақа» ҳам эди. Бу минтақа пахта якка-

ҳокимлиги авжга чиққан кезларда умумий пахта майдонларига қўшиб юборилди. Шундан бери «табиат мактаби» ишламаяти. Қишлоқ бөлаларининг ўт-ўланлар, ҳашарот, қурт-кумурскалар ва бошқа жониворлар тўғрисида жуда кам билиши (мактабда олган билимлари бундан мустасно) кишини жиддий ташвишга солади.

Аммо яқинда табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ишлайдиган бир дўстим мени хурсанд қилди. «Емирилишга қарши минтақа» яна тикланиб, умумий экин майдонларидан чиқириб ташланаркан. Қандай яхши, демак энди менинг болаларим ҳам Қорагуон бўйларида кувнашади, «табиат мактаби» яна ишлай бошлайди.

АДИРЛАР ҲАСРАТИ

БОЛАЛИГИМИЗДА кечалари жуда иссик бўларди. Фақат тонг саҳардагина тоғлар томондан салқин шабада эса бошларди. Мана ўн беш-йигирма йилдирки, ана шу тунги ҳарорат йўқ. Ҳаттоқи тоғ яйловларидағи чўпонлар ҳам водий томондан эсадиган илиқ оқимни кўмсашаётти.

Андижоннинг тоғолди районларида пахта пишмәтгандигининг асосий сабабларидан бири ҳам шу бўлса, ажаб эмас. Чунки асрлар мобайнида ястаниб ётган адирлар водий учун қўёш батареяси вазифасини бажарар экан. Бутун фикри-зикри ялли пахта ҳосилини кўтаришга қаратилган ўша пайтдаги раҳбарларимиз табиатнинг бу мувозанатига асло эътибор бермаганлар. Адирлар кундузи қўёшнинг иссифини қабул қилиб, кечаси ғўзаларни илитиб турган.

Устига устак, Андижон сув омборини қурдик. Буралиб-буралиб окиб ётган Шаҳрихонсой бетонлаштирилгач, ундан сув тезлиги соатига 50-60 километрга етмоқда. Омборда тиниб, музлаб қолган сув илишга ҳам улгурмай, ғўза томирига сингиб, уни ўсишдан тўхтатиб қўймоқда, дейишади дехқонлар. Чунки сув омборининг исиган юза қисмидан эмас, балки 60 метр пастдан ГЭС парракларини айлантириб тушади. Тўғонни лойиҳалашда арzon электр қувватини ўйлашган эканлар, аммо пахта ҳосилининг камайиб кетишини хаёлга ҳам келтиришмабди, азаматлар.

Ёмонадирдаги «Болгария» давлат ҳўжалиги боғларини айланиб юрарканман қулоғимга адирнинг ҳасрати эшилтілгандай бўлди:

— Азалдан маълумки, кимки табиатни наазар-писанд қиласа, табиат ундан аёвсиз ўч олади. Менга тегманг. Номим хунук бўлса ҳам. Ёмонадирлигимча қолишини афзал кўрардим. Оллои-таоло яратган бўйи қолсам, инсонларга кўпроқ фойдал тегарди...

Узоқбой САҚСОНБОЕВ,
Андижон вилояти.

КЎЧА БОШИДА ҚЎШ ТУТ...

ТОШКЕНТДАГИ «Катта Қозиробод» даҳасининг ўрни бир пайтлар «Буюк ишак ўйли» ўтган жаннатмакон боғ-роғлардан иборат бўлган эди, дейишса ишонмасдик. Чунки кўзимиз билан кўрмаганимизда. Ҳикоялардаги қулоч етмас, осмон ўпар ўрик ва ёнғоқ дараҳтлари, ёз бошидан кеч кузгача фарқ пишадиган шоҳтутлар энди ўйк. Ҳар ҳовлидан, ҳар боғдан очиб ўтадиган тиниқ сувларни мен тенги авлод—етмишинчи йиллар фарзандлари ўрни таги кўрмаган. Оқпахта олмалар, қип-қизил нақш олмалар, кўксултонлару қизисултонлар, анвои, дарои-и, нимранг, тоифи ва яна неча хил узумлар ҳақида сўзлашса зартак тинглагандай бўлалими — гўё буларнинг ҳеч бири бу ерда бўлмагандек. Ҳа, бўлмаган — негаки, биз буларни кўрмадик. Негаки, ота-боболаримиз қараб туриб оғзиларидагини олдириб кўйгандар. «Биздан кейин келадиган авлодга нима колдириб кетамиз...» деган ўй келмадимикан уларнинг дилларига, деган аламли фикрлар ўттайди қалбимизни...

Эшишиб билишимча ўйлашган, сақлаб қолишга уринишган, лекин кўллари калталиқ қилган. Шаҳар ҳокимиятининг қатор-қатор қарорларига мувофиқ 50-йилларнинг охириларида боғ-роғларга кирон

келирилган, кесилган дараҳтлар ўрнида кўп қаватли бетон ўйлар кад кўтарили ва ҳаммаёқ мева бермайдиган дараҳтлар экиб ташланди. Ҳуллас, «Осмон узок, ер қаттиқ» деб сабр қилишган. Сабрнинг косаси гўё олтин...

Ҳар тут пишиғи кўча бошидан кеч кузгача фарқ пишган қўш тут тагидан ўтганимда шу хил ҳаёллар ўртайди ёш қалбимни. Бу қўш тут кўшнимиз — мен ҳеч қачон кўрмаган. Каром хола боғидан боғлар участкаларга бўлинган чоғда кўчага түшиб қолган, дейишади. Тутни ўшаларнинг авлодларидан бирори экан. Тут пишиғида ундан тотинмайдиган одам қолмайди ҳисоб бу теваракатроғда. Эрта билан ишга кетаётган ишчи, хизматчи ҳам, боғча ва мактабга бораётган кичконтойлару ўқувчи ёшлар ҳам тут тагига етганинг қарорларда уни экканларга бир эгилиб салом берил, (тут терганинг энди-энди-ишилб салом келадиган) наздимда шундай салом килишади. Ҳуллас, қарид, ҳудди одамлар каби даврнинг ҳамма мушкулотларини бошидан кечирган бу қўш тутни мункиллаб, тўридан гўри яқин қолган иккиси қарорига ўхшатаман. Не-не кунларни кўрган бу қўш тутнинг энди-энди-багрига офтоб тегди. Бўлмасам ҳар иили мевалари шираға тўлар-тўл-

мас, юқ машиналарида чархланган болтасини кўтартган қандайдир амакилар пайдо бўлардиларда, хотин-халаж, ёш-қарини баробар чирқилатиб, қўш тутнинг битта шоҳини ҳам колдирмай пилла қуртга деб каллаклаб кетишибди.

Ҳозир бошқа замон. Тут тепасида ва атрофида чириқллаган қушдан ҳам бола кўп. Эпчилроғи устидан териб ейди, шоҳини силкитиб беради, бошқа бирорлари тагидан териб ейишади, банкага теришади. Демак, тут тагига келолмаганлар ҳам тутдан бебаҳра қолмайди.

...Кўча бошида қўш тут!

Мевасидан минглаб қишилар баҳраманд бўлган бу қўш тутнинг қарор қолганига юрагим туздек ачишади. Танаси пора-пора бўлиб куришга қараб бораётти. Яна неча йиллик умри қолди экан унинг? Бошқа бир туп кўчат экиб, уни ҳосилга киритмоқка неча йил кетади? Кўчат экишига, уни парваришилаб кўкартиришга, ҳосилга киритишга шошилмоқ керакдир? Ҳа, шошилмоғимиз керак. Эшишибимча, мусулмон одам кўчат эксаю, мевасидан бирори еса ҳам экувчига савоби тегади.

...Кўча бошида қўш тут! Уни экан, парваришилаб ўстирган отаҳон, онахонларимизнинг охиратлари обод бўлсин.

Шундай чоқларда бир савол мени ўттайди: биздан кейингиларга нима колдиряпмиз?

Масъудхон ЖОВИД



Тоғлар туман бўлди, келинг!..

Сураткаш: Р. ШАРИПОВ.



«Ассалому алайкум ҳурматли «Ишонч» газетасининг ходимлари! Мен сизларнинг газеталарингизга обуна эмасман. Тўсатдан ўқиб қолиб, ажабланиб юрибман, бу мамлакатда ишонч қолмаган эди, назаримда сизлар бу ишончни қайта тикламоқчиға ўхшайсизлар. Ўзим ҳақимда гапирсан, мен оддий ишчиман, касбим алоқа монтёри. Оилалиман, тўрт фарзандим бор, ёшим 35 да. Хотиним ишламайди.

1975 йилдан бўён касаба уюшма кўмитаси аъзосиман ваъзолик бадалларимни 1990 йилнинг сентябрь ойига қадар тўлаб келганман. Лекин бирор марта касаба уюшмаси томонидан ёрдам ёки бирор санаторий-курортга йўлланма олган эмасман. Энди асосий гапга ўтсан. Мен ёшлигимдан ҳалол, пок яшашга ўрганганман. Шу кунга қадар иложи борича бирорни алдамасликка, ўғрилик қилмасликка, ўзганинг ҳақига хиёнат этмасликка, лаганбардор бўлмасликка ҳаракат қилиб ўядим. Эътиқодим шу эди.

Мен Шеробод районидаги «Пахтабод» алоқа бўлимидан монтёри бўлиб ишлардим. Икки ярим йил 126 сўм маош билан мукофотсиз, ҳеч бир рағбатсиз телефонга ҳам, радиога ҳам ўзим қараб келдим. Абонентларнинг гапига кўра, мен ёмон ишламаганман. Мен ишдан кетгач эса қишлоғимизда алоқа ҳароб ҳолга келиб қолди. Буни ўзимнинг телефон ва радиоим ишламай қолганидан ҳам биламан. Шунинг учун ҳам айтадиларда, «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», деб. Ёки «қорнимга эмас, қадримга йиглайман», дейишадику!

Қисқаси, сентябрь ойида ўй-жойимнинг зах ва ҳароблиги, торлиги ва яроқсизлиги туфайли янги ўй қури-

шим зарур бўлиб қолди. Маблагим йўқ. Ташкилотимиздан эса бирон кўмак йўқ. Бошлиғимиз М. Избосаровга аҳволимни тушунтириб, менга иш жойимдан ўй қуришим учун шароит яратиб беришни сўрадим. Давлатдан ссуда олишига ёрдам бериш ва бу пулга қурилиш материаллари олиш, ўй қуришим учун ўз ҳисобидан отпушка беришларини сўраб ариза бердим. У киши ўн кундан зиёд рухсат беролмаслигини айтди. Суда олиш учун роса икки ой овора бўлдим.

Мен район ижроия кўмитасига бордим. Улар юристга учрашинг, дейишиди. Юрист сенга бюллетенга ҳақ тўлашлари керак эди, деди. Лекин идорамиздагилар барибир тўлашмади. Август-июль ойларида яна касалхонага тушдим. Мен 1991 йил январидан ҳозирга қадар бюллетенга пул ҳам, компенсация ҳам олғаним йўқ.

Том солиш пайтидаги ҳангомаларни айтмайсизми? Талон бўйича на чой, на ун, на шакар, на гуруч берилади. Уйимизда эса мардикор ишлайди. Ма-

да, оила бошига бир қопдан, қариндошларига эр-хотин бўлса ҳам бир қопдан беради. Бизда одамларга мана шундай «ғамхўрлик» қилиб туришади. Бизни қонун ҳимоя қилмаса, ҳукумат ҳимоя қилмаса, додимизни кимга айтайлик?! Кун қўриш учун ўғирликка қўл урайлими, қотиллик ё қаллоблик қилайликми?! Ҳуқуқимизни паймол қилмасликларини талаб қилсак, закунчи ёзуви, деб, қисишиади.

Агар менга иш жойимдан ўй қуришимга кўмак беришганда, барча шароитим яхши бўлганда, балки мен касал ҳам бўлмасдим, бугун ўз жойимда ишлаб юрардим. Уларнинг менга берган «ёрдами» эса ўзимдан сўрамай ишдан озод қилиб юбориш бўлди. Шунга қадар менга бирон марта сен ёмон ишляпсан, дейишмаганди. Ҳозир саломатлигим яхши эмас. Билиб турибманки, мен ўзим баҳтиёр бўлолмадим. Энди мен туфайли болаларим ҳам баҳтиёр бўлмаслиги көркими? Улар менга «ота, бизни Тошкентгатомошага қаҷон олиб борасиз», дейишади. Мен уларга бой бўлайлик, пулимиз кўп бўлсин, шунда олиб бораман, деб овутаман. Баъзи бир қўлини совуқ сувга урмасдан бойвачча бўлганларнинг болалари ҳар ойда Тошкенту Самарқанд, Бухорою Хивани айланиб келишади. Бизда адолат бўлганида шундай бўлмасди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, биз томонларга бир келиб, яшаш шароитимизни ўз кўзларнинг билан кўриб, фикр билдирансангиз. Ҳамма гапни бир хатга сифдириб бўлмайди.

Сизларни кутиб, умид билан

Урол ХОЛИЁРОВ.

ҚАДРИМГА ЙИҒЛАЙМАН

Қурилиш материаллари тўплашга эса уч ой вақтим кетди. Кейин касалланиб шифохонага тушдим. Касалхонадан врачларимизнинг «холис» хизматлари туфайли, аҳволим баттар оғирлашиб чиқдим. Сайрамга бориб даволаниб, соғлигимни анча яхшилашга эришдим. Шундан кейин касалхонадан берган касаллик варақасини иш жойимга топширдим. Ўн кунлардан кейин сен биздан ишдан кетгансан, деб қайтариб беришди. Мехнат дафтарчамни ҳам беришди.

Ҳаллага бориб бу нарсаларни биз кимдан оламиз, десак, мен билмайман фақат бўлимда ишлайдиганларга берамиз, дейишиди. Ундан ўтиб қишлоқ Шўросига бордим. Улар районга буюришиди. Район катталари эса гапингиз кўп экан, бошқа пайт келинг, дейишиди.

Магазинга ун келадиган бўлди. Маҳалламиз раиси Каттаев Бўронхон унни ўйига тушириб, аввал қариндошларига, сўнг бегоналарга тарқатиб чиқади. Бегоналарга жон сони кўп бўлса-

МУХБИРИМИЗ ШАРҲИ:

Райимқул Кулмоновнинг айтишича, оддий мантиқка кўра ҳам унга ҳак тўланиши керак эди. Чунки у буйруқда ишдан бўшатилган бўлсада, касаба уюшма кўмитаси ҳисобида туриди.

Район алоқа бўлмининг бошлиғи М. Избосаров ва бошка раҳбарлар билан килган сұхбатдан маълум бўлдик, бир инсон тақдирига ниҳоятда енгил-елпи ёндашилган, ў. Холиёров ишга чиқмаганилиги сабабли уни бўшатишгану кутилишган. У нега ишга чиқмаяпти? Яшаш шароити қандай? Балки унга бирор кўмак керакдир? Бу тўғрида ҳеч ким қизиқмаган ва биз борганимизда бу йигитни эсдан ҳам чиқариб юборишларига сал колган экан.

Ўрол Холиёров яшаетган Бойкишлокда бўлдик. Қишлоқ номига муносаб эмасдай кўринди менга. Бу ерда бой хонадонларга кўзим тушмади. Ўрол Холиёров якинда тиклаган янги уйда ҳали оддийгина шароит ҳам йўқ. Бу иморатга кўчиб ўтгунларига қадар улар яшаган уйни кўриб тўғриси, кўнглим эзилди. Пасткам, на пойдевори бор, на шифер билан ёпил-

ган бир уйча, тўғрироғи, кулбача экан. Бундай шароитда яшаётган оиласлар Ўзбекистонда минглаб топилади.

Ўрол билан ҳовлида тик туриб гаплашдик. Сездимки, у мени ичкарига таклиф этишга уялди. У ҳозир 2-гуруҳ ногирони экан. Дўхтилар шундай ҳулосага келишибди. Унинг илтимосига кўра акаси Бобоназар Тоғаевнинг ҳовлисига ҳам ўтдик. Бобоназар ака 7 боласи, касалманд хотини ва 85 ёшли отаси билан иккни хонали заҳлаб, ёстини эмирилиб, тўкилиб тушай деб турган уйда тикилишиб ўн тўрт йилдан бери яшаетган экан. Катта ўғли якинда хизматдан кайтаркан. Уни уйлантаришга уй йўқ.

Ака-укаларнинг дардини эшитадиган кулоқ керак. Ўрол менга озгина ер беришса, бир амаллаб бола-чаками бўқардим, деди. Акаси ишхонасидаги ноҳақликларни гапиради. Мен улар ҳакида «Октябрь 60 йиллиги» совхози директори Очил акага айтдим, у киши бу масалани ўрганишга ваъда берди.

Кўрганларимдан шундай ҳулосалар чиқардим. Ўрол Холиёровга ўхшаганлар битта эмас. Бундайлар ҳар бир вилоядатда юзлаб, балки минглаб топилади. Ҳукуматимиз мана шундай энг камбағал табаканинг фаровонлиги тўғрисида қайғурмас экан, алоҳидаги юзлаб қишиларнинг бойиши билан жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Тўғри, ривожланган мамлакатларда ҳам камбағаллар бор, лекин улар биздагичалик ҳароб ахводда эмас. Кейин ўрта ва қуий бўғин раҳбарларимизда тўрачилик-бюрократизм касаллиги шунчалик чукур томир отганки, қишилар уларга ишонмаганидан энг оддий талабларини ҳам албатта, Тошкентга, кўпчилик ҳолларда газеталарга ёзишиади. Раҳбарларимиз иш услубларини қайта қурмасалар ва ҳалқка юз бурмасалар бундай шикоятлар оқими тўхтамайди.

Абдужалол ТАЙПАТОВ,
«Ишонч»нинг ўз муҳбири

ФИРИБАРЛАР СОДДАЛАРНИ ХУШ КЎРАДИ

Паришталардек гапириб берди. У, фирт ёлғон гапирав, фирибгарликда устаси фаранг бўлиб кетганлиги шундоккина кўриниб туарди. Сўнг, мен ростини айтдим.

— Сиз тополмадингиз, энди гапнинг индаллосини эшитинг,— дедиму бошимдан кечирган воқеани гапириб бердим. Темир гаражини ўғрилар бузнишиб, эски «Москвич» машинанинг фиддиракларини ечиб кетишганини орка ойнасини синдириб, боска ҳужжатларни ҳам гумдан килишганинча гапириб бердим. Энди опа, бир фол очингчи, фиддиракларини ким олган экан, ҳеч бўлмас тахмину гумон киларсиз дедим. У тасбехни тескари сабаб, ўйотган нарсангиз топилмайди деди.

Рости, кечагина биз уларни мухарририятга якинлаштирасидик. Бугун

эса, мухарриримиз хузурида уялмайнетмай фол очиб ўтиришибди.

«Ишонч»нинг 6-сонида чоп этилган В. Маъруфийнинг «Олимлар нима дейдил?» мақолосини ўқидиму шу воқеани эсладим. Муаллиф ҳакни ёзган, экстрасенсларнинг кўпчилиги фирибгар, саводсиз, кундаклик воқеалардан умуман хабари йўқ шахслардир. Тўғри, замон ўзгарди, ҳеч кимнинг талантин тупрок босиб колаётгани йўқ. Замоннинг зайланинг «курол» килиб, «Ҳамма касални даволайвераман», дейвериш инсофданми? Ҳатто Ибн Сино ҳам хамма дардни даволайман демаган. Бугунги кунда кўзикоринидек болалаётган экстрасенсу башоратчиларни тарғиб килиб, кўкларга кўтаришерасак, шифокорларнинг дили оғримайдими?

Жамиятимизда фирибгарлик «бољалайти». Унинг олдини олмасак, сарик чирмовуқдек ҳамма ёкни босиб кетади. Отамнинг бир гапини эслайман: «Ўнта экстрасенса бордим, ҳеч кандай наф кўрмадим. Баданингиз кизиятимизда, ғошининг айланайтиши деб сўрашади. Кизимайдиям, бошим айланмайди ҳам. Лекин, уларнинг сарни борми, боргим келаверади». Орамизда соддалар кўп. Демак, улар экстрасенсу фолбинлар тузогига илинаверади.

Убайдулла СИРОЖОВ,
Сирдарё вилояти.

КУЛІМ ишга бормай ўтирувдим, мухарриримиз чакириб колдилар. Эшикни очиб ычкари кирсам, у қишининг хузурида икки нафар ёш аёл ўтирибди.

— Якинда бу қишининг ҳаётидаги баҳтили воқеа бўлган,— стулга ўтирасидан мухаррир менга ишора кетди.— Кани бир фол очингчи, кўрамиз...

Хайрон бўлдим. Ўзи, фолбин, экстрасенса деса жиним кўзириди. Наилож, индамай ўтиридим. Еш, кўхликкина аёл менга зимидан қараб олгач, ўшишни, насли-насадимни суриштириди ва қўлидаги тасбехини бирма-бир санай бошлади. Унинг «килиғи», «томдан тараша тушгандек» гапларини сира ҳазм килолмадим. Гаплари мутлако ёлғон эди. Кизил пул — ўнталиклар кўринаётганни дейдими-ей, уч ойдан кейин яхши нарсага дучор бўлишимга башорат киладими-ей, ишклиб болаларимдан тортиб Самарканда тўрт ойдан бери кўрмаган ота-онам ҳам колмади, ҳаммасини худди ёлғончи

га олсангиз, «Бу сир» деб бошқа гапирийи кўшишади. Кани ўша учрашидиган маддимон махлукларни бизга кўрсатсан-чи? Еки кўлумда фалон сайдеранинг калити бор, дейдию ўша калитни кўрсатмайди. Улар нега операция киламиз дейишимайди. Чунки, килолмайди. Фирибгарлиги билиниб колади. Тўғри-да, В. Маъруфий тъкидлаганидек, олимларимиз нега жим?

Жамиятимизда фирибгарлик «бољалайти». Унинг олдини олмасак, сарик чирмовуқдек ҳамма ёкни босиб кетади. Отамнинг бир гапини эслайман: «Ўнта экстрасенса бордим, ҳеч кандай наф кўрмадим. Баданингиз кизиятимизда, ғошининг айланайтиши деб сўрашади. Кизимайдиям, бошим айланмайди ҳам. Лекин, уларнинг сарни борми, боргим келаверади». Орамизда соддалар кўп. Демак, улар экстрасенсу фолбинлар тузогига илинаверади.



Биздан сўрабсиз

???

40 йилдан бери ўқитувчилик қила-
ман. 1992 йилда 60 ёшга кираман. На-
фақа тайинлашда меҳнат стажим эъти-
борга олинадими?

Қ. ПИРИМОВ,
Қашқадарё вилояти.

тон халқлари тарихи» ўқув қўлланмаси нашр қилинди. Шунингдек, Ф. Жумабоев-
нинг кечки мактабларнинг 7—12 синфлари
учун мўлжалланган «Ўзбекистон халқлари
тарихи», Г. А. Ҳидоятовнинг «Менинг жона-
жоним тарихим» китоблари эса босмадан чи-
киш арафасида. Ўйлаймизки, бў китоблар
ўқувчиларнинг дарслик ва қўлланмаларга
бўлган талабини бир оз бўлсада қондиришда
муҳим омил бўлади.

Келгуси йилда ўқитувчilar учун бир қан-
ча ўқув қўлланмалари чоп этишни ҳам режа-
лаштирганимиз. А. Саъдиевнинг «Ўзбекистон
халқлари тарихини ўқитиш», Э. Сафоев ва
И. Шоймардоновларнинг «Ўзбекистон халқ-
лари тарихини ўқитишда ўлкашунослик ма-
териалларидан фойдаланиш» (4—5 синф
учун), Т. Раҳматуллаевнинг «Ўзбекистон
халқлари тарихини ўқитишда археология
материалларидан фойдаланиш», Т. Қиличев-
нинг «Кўҳна қалъалар диёри» номли китоб-
лари шулар жумласидандир.

1994 йилги рејкамизда Б. Аҳмедовнинг
«Тарих сабоқлари» (ўрта мактаблар ўқитув-
чilari ҳамда тарих билан қизиқувчи кенг
жамоатчилик учун), А. Асқаров ва К. Оқи-
ловларнинг «Ўзбекистон халқлари тарихи»
(8—11 синфлар), К. Оқиловнинг «Х—XI
синфларда Ўзбекистон халқлари тарихини
урганиш» каби дарслик ва қўлланмалар,
ўқув материаллари ўрин олган.

Таҳририятимиз олий ўқув юртлари талаба-
лari учун ҳам тарих дарслиги ва қўллан-
маларни нашр этишни мўлжаллаган. Жумла-
дан, таниқли олимимиз Б. Аҳмедовнинг
«Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари»
номли қўлланмасининг нашр этилиши кенг
жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Бундан ташқари, муаллифлар жамоаси то-
монидан нашрга тайёрланган «Ўзбекистон
халқлари тарихи» қўлланмаси, тарих фанла-
ри доктори, профессор Т. Сайдкуловнинг
«Ўрта Осиё халқлари тарихи бўйича историо-
графияси» дарслиги 1993 йилда нашрдан чи-
қарилади.

???

Яқинда менга ишхонамдан дала ҳов-
лиси беришиди. Айтинг-чи, давлатдан
қанча қарз пули (ссуда) олишим
мумкин ва шу юзасидан қаерга муро-
жаат қиссан бўлади?

С. АҲМАДАЛИЕВА,
Тошкент шаҳри, Чорсу массиви.

Ушбу саволга Шайхонтохур район жам-
гарма банк бошлиги Маъмура Каримова жа-
воб беради:

Дала ҳовли олган фуқароларга, жамгарма
банклар томонидан уни қуриш учун узоқ
муддатли қарз берилади. Қарз пули тақдим
этилган сметада кўрсатилган нархнинг
75 фоизигача — 40000 сўмдан кўп бўлмаган
миқдорда турар жойдаги жамгарма банк-
лари орқали олинади.

Давлат томонидан қарз беришда фуқаро-
ларнинг уни тўлай олиш қобилиятлари ҳи-
собга олинади. Шунингдек, қарздан фойда-
ланганликлари учун фуқаролар банкга 7
фоиздан кам бўлмаган миқдорда маблағ тў-
лайдилар ва у 25 йил муддатга берилади.

Қарз олувчи қўйидаги ҳужжатларни жам-
гарма банкга тақдим этиши керак:

— дала уйи қуриш учун ер берилганлиги
ҳақидаги қарордан кўчирма;

— қуриладиган уйнинг таннархи ҳақида-
ги маълумотнома;

— иш жойидан ойлик иш ҳақи тўғрисида-
ги маълумотнома.

???

Мен муддатли ҳарбий хизматда Чер-
нобиль ҳалокати I-гуруҳ ногирони бўл-
ганман. Қарамогимда 18 ёшга тўлма-
ган иккита фарзандим бор. Ҳозирча
янги Фармон бўйича нафақам миқдори
неча сўм бўлади?

У. ҚОРИЕВ,
Тошкент шаҳри.

Саволга Республика социал таъминоти ва-
зирлигининг етакчи мутахассиси Ҳулкар
Файзуллаева жавоб беради.

Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 27
июндаги Фармонига мувофиқ 1 июлдан меҳ-
нат нафақасининг энг кам миқдори 1000 сўм
қилиб белгиланди. Бундан ташқари, шу
Фармонга асосан 1992 йил 1 октябринан
бошлаб фуқаролар иш стажининг оз-кўпли-
гига ва хизматларига қараб, меҳнат нафақа-
ларининг табакалаштирилган миқдорлари
жорий этилиши назарда тутилган.

???

Этим II-гуруҳ ногирони, меҳнат нафа-
қасида, ўзим эса 50 ёшда меҳнат нафа-
қасига чиққанман, аммо ишлайман.
Кенжা фарзандим 8-синфда ўқийди.
Боламга қўшимча ёрдам пули берилади-
ми?

Қ. РЕЗБОНОВА,
Сурхондарё вилояти.

Конунга биноан фарзандлар ота-она қара-
моғида ҳисобланади. Агар ота-она меҳнат
нафақасида бўлса ва ишламаса, улардан
бирининг нафақасига болалари учун социал
таъминот органлари томонидан қўшимча ёр-
дам пули тайинланади. 1992 йил 27 июнда-
ги Ўзбекистон Президентининг Фармонига
мувофиқ шу йил 1 июлдан ҳар бир меҳнат-
га яроқиз оила аъзоси учун қўшимча 500
сўмни ташкил этади. Эрингиз 2-гуруҳ ноги-
рони сифатида болангиз учун қўшимча ҳам
ҳақ олиши мумкин.

???

Янги ўқув йилида ўқувчиларга мус-
тақил Ўзбекистон тарихига оид қандай
китоблар нашр қилинмоқда?

А. ТУРДИЕВ,
Сурхондарё, вилояти. Денов райони.

Саволга «Ўқитувчи» наприётининг Баш-
муҳаррири Иброҳим Аҳмаджонов жавоб бе-
ради:

«Ўқитувчи» наприётининг ижтимоий, та-
рихий, адабиёт ва жўғрофия таҳририяти
асосан тарих, жуғрофия, иқтисодиёт, ҳуқуқ-
шунослик, фалсафа, ҳисбот ва табиат мух-
фазасига оид дарслик ва ўқув қўлланмалари
тайёрлаш билан шуғулланади. Улар олий ва
ўрта махсус ўқув юртлари талabalari ҳам-
да макtab ўқувчиларга мўлжалланган.

Таҳририят ҳар йили 250—300 босма
табоқ ҳажмида дарслик ва қўлланма, ил-
мий-усулий адабиётни нашрга тайёрлайди.
1992—1993 ўқув йили учун нашр этила-
диган дарслик ва қўлланмаларнинг баъзи
бирлари нашрдан чиқди. Жумладан, М. Ис-
ҳоқова ва В. Костецийларнинг 8—9
синфлар учун мўлжалланган «Ўзбекис-

Саволга Республика социал таъминоти ва-
зирлигининг етакчи мутахассиси Маъмур
Кенжав жавоб беради.

Маълумки, нафақангизнинг миқдори 1992
йил 1 июлдан 6050 сўмни ташкил этади.

Бунда қўйидагилар ҳисобга олинади:

Чернобиль ҳалокатида муддатли ҳарбий
хизмат вазифасини ўтаганларнинг нафақаси
ҳозирда белгиланган энг кам ойлик иш ҳа-
қининг 5 баробари миқдорида;

Муддатли ҳарбий хизматнинг биринчи гу-
руҳ ногирони бўлганингиз учун энг кам ойлик
иш ҳақининг 75 фоизи, яъни 3750 сўмни
ташкил этади, яна иккита ишга яроқиз
оша аъзоси учун 1000 сўм қўшиб берилади.

Муддатли ҳарбий хизматнинг биринчи гу-
руҳ ногирони нафақаси 1300 сўмдир.

???

Улуғ Ватан уруши I-гуруҳ ногирони-
ман. Ҳарбий унвоним — сержант.
Айтинг-чи, меҳнат нафақам шу йил
1 июлдан ошар экан, ҳарбий унвоним
ҳам ҳисобга олинадими?

Р. САИДОВ,
Андижон шаҳри.

Республикамиз Президентининг 1992 йил
27 июндаги Фармонига мувофиқ нафақан-
гизнинг миқдори 1992 йил 1 июлдан 3445
сўмни ташкил этади. Нафақанинг асосий
миқдори 1950 сўм, ҳарбий унвонингиз учун
ана шу маблагнинг 10 фоизи қўшилади, яъни
2145 сўм бўлади. 1-гуруҳ уруш ногиронига
қараб туриш учун эса яна унга 1300 қўшиб
берилади.


???

Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчиси-
ман ва умумий касалликдан II-гуруҳ
меҳнат ногирониман. Қарамогимда
1977 йилда тугилган фарзандим ва
1934 йилда тугилган турмуш ўрготим
бор. (Хеч қаерда ишламайди).
1992 йил 1 июлдан меҳнат нафақам неча
сўмни ташкил қиласди.

Ж. БОБОНАЗАРОВ,
Хоразм вилояти.

Сизнинг нафақангиз 1992 йил 1 июлдан
2625 сўм бўлди. Унинг асосий миқдори
1300 сўм, иккি нафар оила аъзоингиз учун
минг сўм қўшилади, яъни ҳар бирига 500
сўмдан, уруш қатнашчиси бўлганингиз
учун эса яна 325 сўмга оширилади.

● «БИЗДАН СУРАБСИЗ» САҲИФАСИ-
НИ ИШЛАВ ЧИҚАРИШ, ХУЖАЛИК ВА
НОШИРЛИК ВУЛИМИ ТАИЕРЛАДИ.



БИЗ ҲАМ ЁШ БЎЛГАНМИЗ...

ИНСОН боласи чўлда униб чиқаётган нозик кизгалдоққа ўхшайди. Агарда кизгалдоқнинг ўзида харкат, интилиш бўлмаса, унинг эртаси ҳам бўлмайди. Менинг актёр Эркин Комилов билан сұхbatлашувимга у кишидаги ўша интилиш ва ҳаракатни сезганим сабаб бўлди чамаси. Эркин ака гоҳ-гоҳида ойнай-жаҳонда кўриниб қолса, «ана Азиз чиқди» («Гирдоб» видеофильмида), деб қолишарди курсдошларим.

«Гирдоб» видеофильмидаги Азиз Косимов ролини ўйнаётган чоғимда, — дея гап бошлиди Эркин ака, — бу образ билан шахсий ҳаётим ўтасидан ажаб бир уйгунилк, ўхшаллик борлигини хис этдим. Балки, бир-бирини кўра олмаслик, ҳасад барча гурхулар учун одатий холдир, лекин санъаткорлар ўтасидаги бунака руҳий но-мукаммаллик борлиги менга жуда азоб бериб ачинтиради. Ҳаёт шу кадар мураккабки, балки шу билан у ҳам ширин, ҳам гўзалдир. Барибир гоҳида ўйлаб қоламан, асадаги домла Муҳиддиновга ўхшаш одамлар тез-тез учраб турди, уларгина бизни разолатдан, йиқилишимиз мумкин бўлган соҳимиздан огоҳ қилади.

Эркин ака, сиз тилга олган ҳасад, бир-бирини кўра олмаслик ҳатто ёшлар ўтасида, умуман ёшлар ва катталар ўтасида ҳам учрайди. Кимдир ўз таланти билан юксала бошласа, баъзи биримиз унинг этагига ёпишиб, ёғига тушов солиб учгани кўймаймиз.

— Кечирасиз, ҳозирги ёшлардан норозимисиз?

— Йўқ, биласизми, ҳамма гап шундаки, мен ёшларимиздан тўла маънода кониқишини истайман. Биз отамиздан бир сўм сўрашга уялардик. О, ҳозирги ёшлар. Қимматбаҳо кийимлар, ресторан, кўнгил очар жойларга кўпроқ интилишида.

— Улар кўпроқ театрларга оқиб келса, мамнун бўлармидингиз?

— О, қанийди!.. Қишидаги моддий камбагалликни кечириш мумкин, аммо маънавий қашшокликни асло кечириб бўлмайди.

— Бугунги қийин ахвол театрни ҳам аямётгандир?

— Ха, албатта, лекин қаноат кишини ҳамма нарсадан қуткаради.

— Лекин, ортиқча қаноат заар келтириши ҳам мумкин. Масалан, чет элликларнинг озига қаноат килмай, кўпига интилиши уларни бойитаяти.

— Тўғри, керакли ва кераксиз қаноат бор. Масалан, чет элларда актёрларга эътибор жуда кучли. Мен Ирландияда, Шотландияда, Англия ва Хиндистонда бўлдим. Биласизми, биздаги санъаткорлар кераксиз қаноатнинг содик фарзанди экан, давлат берган ўша озроқ нафака билан кун кечираверамиз. Бир актриса кинода роль ўйнабди, яна таклиф килишса, келмалти. Сабабини суриштирсангиз, битта қинода ўйнаб топган пулни ўзидан ортиб, боласига ҳам умр бўйи етаркан. Ҳусусан, Шотландияда юрист, врач, артистлар жамиятнинг

энг бой ҳалки хисобланар экан. У ерда бўлганимда самолётингиз борми? — деб сўраб қолишиди. Бор, дедим. Билет топсан учаман, топмасам учмайман (кулади).

— Ҳозир қандай роллар устида ишлайсиз?

— Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ» асари асосида тайёрланётган видеофильмда майор Солихов, Эркин Воҳидов асари асосида режиссёр Махкам Мухамедов яратадиган «Иккинчи тумор» видеофильмидаги психолог Махмудий ролини ўйнаյпман. Фарид Давлат режиссёргида «Минг бир кеча» китоби асосида ҳам кино яратилавти. Кино Хиндистонда, Жайпурда олингани. Менга судья Вали образини яратиш топширилган. Яқинда «Одамлар борки» деган бадиий фильмда алкаш Манноп ролини ижро этдим. Фарзандларим ҳам иштирок этишиди бу кинода.

— Айтгандай, оиласигиз ҳақида ҳам газетхонларга гапириб берсангиз.

— Бажонидил. Рафиқам Мўтабар Комилова — актриса. Қизларимиз Фотима ва Зўхрахонлар ТошДУ талабалари. Ҳрганича қизим Диляфуз кулинария билимгоҳини тугаллади. Диляфуз, Шахноза эса мақтабда ўқиншиди, кенжамиз Азизбек энди мактабга боради.

— Азизбек ким бўлишини истайсиз?

— Актёр бўлишини...

— Ҳаётда армонинг борми?

— Бор. Аямиз 78 ёшдалар. Баъзан иш ва турмуш ташвишлари билан бўлиб, тез-тез хабар ололмай колсам, жуда ўкиниб юраман, ахир у кишининг олдида жой қадар, онг қадар карздорман.

Мен «Ишонч» газетасининг мухлисиман. Ахир у оз муддатда ўз ўйналишига ва ўз ўкувчиларига эга бўлди. Менга она ҳалм билан, санъатга ташна ҳалким билан газета орқали учрашиш имконини беряпти, бунинг учун таҳририята чукур миннатдорчилк билдираман.

— Раҳмат.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри Эркин Комилов билан сұхbatдан сўнг «Тавба», мен у киши билан учрашгунга қадар, бу артист ҳаётда ҳам қувноқ, ҳазилкаш, текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган «шўх ўнгит» бўлса керак деб ўтасидим, ваҳоланки, канчалар камтар, канчалар содда киши экан-а!, деган ўй ҳаёлимдан ўтди. Лекин бир нарсасига ачиндим. Шунчалик истеъоди бўла туриб, нега «майдо-чўйда» ролларда кўп чикади. Тўғри, кичик ролни ҳам қойилмақом килиб ўйнаш мумкин, лекин баривор от билан тойчок ўтасида фарқ борда. Буни барча актёрлар хис қилишса керак. Мен ҳалқимизнинг севимли актёри Эркин Комиловга катта роллар тилаб коламан. Ҳатто ҳаётда ҳам...

Сайёра ҲАЛИМОВА,
ТошДУ талабаси.



Хоразм — дилрабо кўриб-кўшиқларнинг сехрли диёри. Унинг қай хонадонида бўлманг, тор илиа янгроқ қўшиқ таралади.

Сиз суратда кўриб турган Узбекистон ёшлар Иттилоғи мукофоти совриндори ботолик хушовоз хонандада Абдулла Тиллаевнинг қўшиқлари ҳам дилларга олам-олам ором бахш этади.

Жумабой ҚОЗОҚОВ
суратга олган.

КЕКСАЛАР ЁШЛАР ЖЎР БЎЛИБ

ОЛМАЛИК шаҳридан кимёгарлар маданият саройида фольклор-этнографик жамоаларнинг «Дўстлар тароналари» деб номланган дастлабки фестивали бўлиб ўтди. Уни ўтган «Наврӯз»нинг муқаддимаси бўлди, дейиш ҳам мумкин.

Тошкент вилоятидаги юздан зиёд бадиий ҳаваскорлик жамоалари районларда бўлиб ўтган дастлабки саралаш танловларида ўз маҳоратларини намойиш этдilar. Сўнг йигирма бешта энг яхши жамоа Олмаликка ўлланма олди.

Шуниси кувонарлики, бу чинакам ҳалқ фестивалида асосан қишлоқ бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирок этди. Илгари биз жамоалар хакида гапирилганда аввало маданият саройлари ва клубларнинг жамоаларини кўрардик. Бу ерда эса саҳнага қишлоқ меҳнатканинг ўзлари чикдилар. Чикқанда ҳам бутун-бутун оила, меҳнат жамоаси, маҳалла бўлиб чикиши.


Фестивалга биз Ўзбекистон ҳалқларининг ўзига хос санъатини кўрсатгани келдик, — дейди Ленин номли жамоа хўжалиги фольклор жамоасининг раҳбари З. Тўгузбоева.— Биз аввало, шу фестивални ташкил килган қасаба уюшмалари вилоят кенгашининг уюшмалараро маданият марказига миннатдорчилк билдирилганимиз. Бизнинг жамоамизда ёшлар ҳам, кексалар ҳам бор. Лекин уларнинг барчасини бир нарса — ҳалқ кўшиклинига, қадимги урғодат ва маросимларига муҳаббат бирлаштириб турибди. Бу маросим ва урғодатларнинг кўчилилиги ҳозир мустақил Ўзбекистон Республикасида тикланяпти.

— Қишлоқ жойлари маданий-маърифий муассасалар ходимларининг диккат марказида бўлиши лозим,— дейди қасаба уюшмалари вилоят кенгаши маданий-тарбиявий ишлар бўлимининг мудири Р. Раҳмонова,— Мен уюшмалараро маданийтари маркази ўз фаолиятида қишлоқ меҳнаткашларига таянаётганидан ҳозир сайдман.

Паркент районидаги «Лапар» ва Калинин районидан «Саодат» ансамбллари фестиваль голиблари бўлиши. Иккинчи ўринни Қиброй районидан «Қиброй» фольклор жамоаси билан Оҳангарон районидан «Чашма» ансамбли эгаллади. Учинчи ўринни Ғалаба районининг «Оқ олтин» ансамбли олди.

Рус фольклор жамоалари орасида Олмалик шаҳридан кимёгарлар маданият саройининг «Рябинушка» ансамбли билан Олмалик кон-металлургия комбинатининг металлурглар маданият саройи «Русская песня» жамоаси совриндор бўлди.

М. ГОРНЕШТЕЙН,
штатсиз мухбири.



Яхшилар таърифида

КАТТАҚҮРҒОНДА Муқим Элмуродов деган камтарин, камсукум, меҳнатсевар бир инсон бўларди. Эллик йил бир жойда — «Каттақүрғон ҳақиқати» газетасида ишлаган. Бу даврнинг аксарики қисмини у муҳаррирлик лавозимида ўтказган. Бу, айтишга осон албатта. Бироқ, ярим аср мобайнида журналистика каби инжик, серғалва жавобгарли ва оғир меҳнат юқини елкасида кўтармоқ ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун юксак онг, чидам ва бардош, энг асосийси — ўз қасбига нисбатан муҳаббат ҳамда садоқат, қолаверса, фидоийлик талаб этилади. Журналист учун зарур бўлган шундай хислатларнинг барчаси Муқим акада мушассам эди.

Лекин ҳар нарсанинг ҳам адоги бўлгани каби моҳир журналист ҳам вақт-соати келиб пенсияга чиқди. Дастрлаб у ўзини кўярга жой топломай қолди. Унинг назарида кунлар йилдек дароз кўринарди. Шундан сўнг кунора қадрдан жамоасига бориб, ўз бой тажрибасини ўртоқлашадиган бўлди. Бу машгулот ҳам унинг жўшқин кўнглига таскин беролмади. Хайрият кейин шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлар кенгашига аъзо қилиб олишди. Шундан кейин эрталабдан кечгача савдо-сотиқ, маданий-маший, транспорт хизматини яхшилаш билан шуғуланиб, зерикиши нималигини билмайдиган бўлди. Ўзи яшаб турган Алишер Навоий номидаги маҳалла қўмитаси раислигига сайлангач теварак-атрофни ободонлаштириш, одамлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, аҳиллик ва бирдамлини таъминлашга зўр берди. Тўю-маърракаларга бош-қош бўлди. Ҳамиша оқни оқ, қорани қора деб келди. Чамаси унинг талабчанилиги, ҳалол-покизалиги айрим ғарзгўйларга хуш келмади. Улар катта мажлисда Муқим акани ноўрин танқид қилиб, вазифасидан четлаштиришди. Бу ноҳақлик, шафқатсизлик ва бедодликка Муқим аканинг пок қалби дош беролмади. У шол бўлиб ётиб қолди ва ниҳоят шу аҳволда бандаликни бажо келтирди...

Шаҳар ободончилигига салмоқли ҳисса қўшган инсонлардан бири, Улуғ Ватан уруши ногирони, жанг майдонларида кўрсатган мардлиги, жасорати ва қаҳрамонлиги очерк ва қиссаларда мадҳ этилган заҳираради капитан Салим Рӯзиевнинг қисмати ҳам Муқим аканикига ўхшаб кетади. У раислик қилган «Ўзбекистон 40 йиллиги» маҳалласи ишини шаҳар ижроия қўмитаси ҳамиша бошқаларга намуна қилиб кўрсатарди. Кейинчалик кимларгайдир Салим аканинг тўғри сўзлиги ёқимади шекишли, уни вазифасидан ноҳақ бўшатишиди. Бу билан собиқ жангчининг юрагини яралашди.

Имоним комилки, дилозорлар қилмишларига яраша жазолангайлар. Чунки, ҳаётнинг тарозиси бор, унда қилган яхшиларимиз ҳам, ёмонликларимиз ҳам, ўйл қўйган хато ва камчиликларимиз ҳам, бадниятлигимиз ҳамда бадахлоқлигимиз ҳам ўлчанади. Қисқаси, ҳеч бир нарса изсиз ўйқолиб кетмайди.

Хўш, нега биз бунчалик бағритош, бетга чопар ва беандыша бўлиб қолаямиз? Ўзбекка хос шарқона ҳаё,

мехр-муҳаббат, шафқат қаёқда қолди? Ахир ўтмишда ота-боболаримиз бир-бирларига ҳамкору ҳамдард бўлишган-ку. Бирор кимсанинг бошига мушкул иш тушса ҳамма бараварига унга ёрдам қўлини чўзган, бирор дунёдан ўтса, бутун бир маҳалла, ёхуд қишлоқ аза тутган. Азбаройи андиша юзасидан бировнинг кўнглига озор беришни, ёхуд бировнинг қалбини яралашни ўзларига эп кўришмаган, қолаверса, буни кечиролмас гуноҳ деб билишган. «Дилозордан худо безор» деган нақл одамлар орасида кенг тарқалғанлиги бежиз бўлмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиздирки, аждодларимиз, аввало шарият талабларига ва сўнг умуминсоний қоидаларга қатъий риоя қилишган. Етим-есирларнинг бошини силашган, ноҷорларга ёрдам қўлини чўзишган.

собидан бойлик ортириш, кайфу сафо қилишдан иборат бўляяпти. Камдаромад ва ноҷорларга нисбатан, ҳаттоки қўли калта қариндошлари ҳам кўзларига кўринмайди.

Ўзбек халқи азалдан феъли кенг, бағри очиқ, сахи, муруватли ва меҳмондўст бўлган. Бир бурда топган ноњини кўпчилик билан баҳам кўрган. «Бир дона майизни қирқ киши бўлиб еган» деган нақл бежиз айтилмаган чамамда. Бу ажойиб хислатларимиз айниқса, юртимиз бошига кулфат тушган, бир бурда ноң анқо қушининг уруғидан ҳам ноёб бўлган Улуғ Ватан уруши йилларида намоён бўлганини эслашнинг ўзи кифоядир. Айниқса дўстим ҳикоя қилиб берган бир воқеа ҳеч ёдимдан кўтарилийди. Ўшанда оғир дамларда ўзбек халқи мамлакатимизнинг барча бурчакларидан бадарға бўлиб келган

ганини, мабодо ҳаёт бўлса, хатига жавоб қайтаришни илтико қилиди ва уни меҳмон бўлиб келишга таклиф этибди. Воқеанинг тафсилоти билан қизиқиб қолдиму дўстимдан бу ҳақда ҳикоя қилиб беришни илтимос қилдим.

Хабарингиз бор, уруш даврида киши бошига карточка орқали тўрт юз граммдан нон бериларди. Ўша нонни олиш учун кечқурундан навбатга туриб, тунни бедор ўтказишга тўғри келарди. Шундай кунларнинг бирида, дўстим навбати етиб, нонни харид қилиб дўкондан кўчага чиқса, ўн икки яшар жаҳси қизча уввос солиб ийғлаётганиши.

Карточкаларимни йўқотиб, қўйдим. Онам оғир касал. Энди нима қилиман!—дерди бечора.

Дўстимнинг раҳми келиб, ҳозир олган нонни бўлибди-ю, ярмини қизчанинг қўлига тутқазибди. Кутилмаган бу илтифотдан ҳайратланган қизча дўстимга жовдираб қараб:

— Буни нима қилишим керак?—деб сўрабди.

— Нима қиласдинг, бемор онангни боқ. Онанг тез соғайсин, айтгандек, қаерда турасан?—сўрабди дўстим.

— Наримонов кўчасидаги 22 ўйда — дебди қизча ва ишонар-ишонмас ўз халоскорига унсиз миннатдорчилик изҳор қилиб, уйига чопқиллабди.

Эртаси куни чошгоҳда ярим буханка нонни қўлтиқлаб қизчанинг уйига кирбонганини қўйишиларига сал қолиди. Шу-шу икки оила: бири — ўзбек, иккинчиси — яхудий иноқлашиб қолипти, борди-келди қиладиган бўлиб қолишибди.

Уруш тугагач, бу оила ўз жойига — Ленинграднинг кўчиб кетибди. Кейинчалик эса қизча улғайб турмуш кургач, оиласи билан Таллинга кўчиб кетган экан. Эндиликда у нафақа ёшига етибди. Набиралари куршовида эмиш. Дўстим яқин ўртада эски қадрденинкига бола-чақаси билан меҳмонга боришига тайёргарлик кўраётганини айтди. Мен унга оқ йўл тиладим.

Хўш, нега энди биз бугунга келиб феълимиз айниб, бунчалик қўзимиз тор, меҳр-шафқатга бахил бўлиб қолдик? Тўғри, бозор иқтисодиётiga ўтиш муноҳабати билан бироз танглик содир бўлди. Бироқ бу қийинчаликларни бир оила сезса, ўн оила сезмаятику. Буни тую маъракаларимизда безатилаётган дастурхонларимиздан кўриш мумкин. Имоним комилки, бу қийинчаликларнинг барчаси ўткинчи бил ҳол. Ёруғ кунлар келиши муқаррар. Менинг назаримда бундай нохуш аҳволга тушиб қолишимизнинг асосий сабаби — қадрятларимизнинг йўқолиб бориши, маънавий жиҳатдан қашшоқлашиб бораётганимиз ва ниҳоят, ўзлигимизни унтиб қўяётганимиз, дўёнат, инсоф бизларни тартибаётгани бўлса ажаб эмас.

Кўнгилни гулга қиёс қилади ҳалқимиз. Бу, бежиз эмас, албатта. Кўнгилни қолдириш осон, уни олиш қийин. Қолаверса, умрнинг ўзи қисқа. Шундай экан, келинг дўстлар, бирбирумиздан меҳр-шафқатни, муруватни дарига тутмайлик, оқибатли ва дўёнатли бўлайлик.

Яздан ХУДОЙҚУЛОВ.

Кўнгил олиш қийин

АЗИЗ ҳамкаслар! Мен «Ишонч»ни мунтазам ўқиб бораяман. Саҳифаларда чоп этилаётган мақола, очерк ҳикоя ва бошига материаллар мени қониқтиради. Сизларга ҳамиша омад ёр бўлсин, газетангиз бундан кейин

Беморларнинг аҳволидан хабар олишган. Энди-чи? Эндиликда биз бу қоидаларга қарийб амал қилмайдиган бўлиб қолганимиз, амал қилгандан ҳам, одамларнинг мансаби ва чўнтағига қараб мумомала қиламиз.

Маҳалламида Мамарасул ота деган ажойиб ширинсухан кекса одам бўларди. Бутун умри қора меҳнат билан кечган. Маҳаллада ўтадиган тўюмаъракаларда бел боғлаб хизмат қиларди. Лекин хасталаниб тўшакка михланиб қолганида «Холинг қалай?» деб кўнгил сўровчилар бўлмади. Айни бир пайтда мансабдор ва бадавлат одам ётиб қолса унинг хонадонига, касалонага тугун кўтариб келувчиларнинг аҳовни бўлмайди.

Биз, ёзувлар ҳам, тарихчи-ю, тарғиботчилар ҳам ўтмиш бойларини нуқул қора бўёқка чаплаб ташлаймиз, улар шаънига лаънатлар ёғдиримиз. Бинобарин, уларнинг орасида ҳам инсофликлари, саҳиyllари, диёнатлари жуда кўп бўлган. Мадраса-ю, масжидларни ўшалар барпо қилишган, йўлу кўприкларни ҳам ўшалар қуришган. Бундан ташқари бой киши молидан ҳар йили закот бериб турган, дехончиликдан олган ҳосилдан ўндан бир миқдорини ҳар йили ушр берган, норасида ёки заиф қариндошларини боқишиган. Ваҳоланки, бугунги бизнинг бойларимизнинг ягона ташвиши — қандай йўл билан бўлмасин, бирни ўнга пуллаб фуқаролар хи-

миллионлаб мусоғирлар: рус, украйин, белорус, яхудий ва бошига миллат ва элат вакилларини бағир очиб кутиб олишди, уйининг тўрини уларга бўшатиб берди, борини улар билан баҳам кўрди, оғзидағи ошини, қўлидаги нонини ўзи емас емадики, ўшаларнинг оғзига тутди. Сонсаноқсиз етим-есирларнинг бошини силади, ўз меҳрини, муҳаббатини, шафқатини улардан дарига тутмади.

Кечагидек хотирамда, уруш йиллари Бобоқадир бироқ деган, кўпни кўрган диёнатли ҳамсоямиз бўларди. Касби-кори — гилкорлик: ёши бир ерга бориб қолганига қарамай, эрта азодан то ярим тунгача рўзгор тебратиш ташвишида тинмай ишларди. Ўша кезлари ўлқамизга бошпанасиз қолган оиласи кўчиб келгач, бобо бола-бакрasi билан тор уйга кўчиб ўтиб, кенгрок уйини россиялик яхудийларга бўшатиб берган эди. Бир хонада тўрт оила яшай бошлашди. Ибратлиси шундаки, Бобоқадир бобо ижара ҳақидан воз кечгани ҳолда қора қозон қайнаган кунлари уларга иссиқ оқиатдан ҳам ұлашиб турарди...

Яқинда дўстим қизиқ бир воқеани айтиб берди. У орадан қирқ олти йил ўтгач, уруш йиллари шаҳримизда истиқомат қилган, айни пайтда Эстония пойтахти Таллинда яшовчи эски ошнасидан хат олибди. Мактуб муаллифининг ёзишича, не-не машақатлар ва тинмай изланишлар натижасида қадрденинг манзилгоҳини топ-

**ХАЛҚИНГ АРДОҒИДА
ЯШАГАН ШОИР**

ЯКИНДА Ўзбекистон Президенти хузуридаги Вазирлар махкамаси, Республика халқ демократик партияси, Фаҳрийлар кенгаси, Ёзувлар уюшмаси, Адиллар иттифоқи номидан Намангандиёнинг Совет районидаги ташкил топган янги бор — Машраб бойидаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Илхомжон Жабборов яратган Машрабнинг хайкали пойига гулдасталар кўйилди.

Айниқса, Республика Фанлар Академиясининг Қўлзёзалар хамда Шарқшунослик инститuti ходимлари кўмагидаги бунёд этилиб шох Машраб хайтининг айрим кирраларини акс эттирувчи ўй-музейнинг очилиши унинг руҳи Балхдан Намангандага кайтишига ўшарди.

Г. СУЛАЙМОНОВ.

* Инсон кўнгли ҳамма нарсадан совиб кетса ҳам инсонийликдан безмагани яхши.

* Тириклийнинг зийнати яхшиликдир, бу оламдан кетганларнинг раҳмати ҳаётликларидан қилган эзгуликларидир.

* Инсон бешта ёргулардан қувонмоги керак:

- Маънавий, жиҳомий соглиқдан.
- Дилға меҳру муҳаббат тушганидан.
- Ойланинг поклиғидан.
- Ҳалол меҳнат меваларидан.
- Дўстларининг вафодорлигидан.

* Утириб олиб сафсатабозлик қилаберган билан қорин ҳам тўймайди, Ватан ҳам гуллаб яшнамайди.

* Эй фарзанд, топганинг олтин, қилганинг яхшилик бўлсин!

* Инсон қанчалар покиза бўлса, она табнат шунчалар мусаффо, кўркак бўлади.

* Ҳалқ соглиги — табнат бойлиги!!!

* Ҳалол меҳнатдан номус қиладиган одамнинг косаси оқармайди!

* Эй фарзанд, ўзине ширинсухан бўлмасанг, кишидан дилдорлик қидирма.

